



## УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ИННОВАЦИОН БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИНИНГ ЗАРУРАТИ ВА ИМКОНияТЛАРИ ХУСУСИДА

*Тиркашова Г.Б.*

*Чирчик шаҳар Мактабгача ва мактаб таълими бўлими тасарруфидаги  
26- сонли умумий ўрта таълим мактаби директори*

**Таянч сўзлар:** инновацион бошқарув, педагогик инновациялар, инновацион фаолият, бошқарув фаолияти, таълим, модернизация, динамика, ижтимоий-иқтисодий жараён, эҳтиёж, инновация, менежмент.

**Ключевые слова:** инновационный менеджмент, педагогические инновации, инновационная деятельность, управленческая деятельность, образование, модернизация, динамика, социально-экономический процесс, потребность, инновации, менеджмент.

**Key words:** innovative management, pedagogical innovations, innovative activity, management activity, education, modernization, dynamics, socio-economic process, need, innovation, management.

Ҳозирги вақтда замонавий сифатли таълим ва жамият ривожланиши истиқболлари орасидаги боғлиқлик яққол кўзга ташланади. Ривожланишнинг инновацион йўлига ўтган мамлакат учун таълим тизими олга қараб силжиш учун рағбатлантиришни бериш ҳаётий жиҳатдан муҳимдир. Бу шу ҳақида хулоса чиқаришга имкон берадики, таълим тизимида инновацион жараёнларнинг сабабларини, тузилмасини, динамикасини ва эҳтимолий келажагини тадқиқ қилишга мавжуд ижтимоий буюртма шаклангандир. Мазкур ижтимоий буюртманинг субъектлари бўлиб ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устивор йўналишлари қаторига инновацион фаолиятни ҳам қўшган давлат; умуман олганда, ривожланишнинг инновацион йўлини танлаб олган ва унинг асоси сифатида умумий таълимнинг ривожланишига ўткир эҳтиёж сезаётган бутун жамият; ҳозирги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларда талаб кучли бўлган сифатли таълимни олишидан манфаатдор бўлган оила; шахсий салоҳиятини



юзга чиқариши ўзи ўқийдиган мактабнинг таълим имкониятларига боғлиқ бўладиган ўқувчи саналадилар.

Сўнгги ўн йилликларда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар таълимда янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан умумтаълим мактабларини модернизациялашнинг йўллари излаб топилишини рағбатлантирди. Бунга эришиш бошқарув сифатини ошириш орқали мумкин бўлиб, унинг кўрсаткичи сифатида таълим фаолиятининг инновационлиги саналади.

Бугунги ижтимоий ва иқтисодий шароитларда инновационлик асосан таълим фаолиятининг аниқ ва уйғун ҳолда ташкил этилишига боғлиқ бўлади. Мана шунга боғлиқ ҳолда бош роль энг аввало, ташкилот раҳбарига ажратилади, чунки, айнан унинг касбий ва шахсий сифати бутун таълим жараёни қанчалик самарали ташкил этилганлиги боғлиқ бўлади. Фақат таълим муассасаси раҳбари раҳбарликнинг тўғри фаолиятини танлаш орқали таълим муассасасидаги инновацион жараёнларга самарали таъсир кўрсатиши мумкиндир. Бу борада мос ҳолдаги бошқарув фаолиятининг шакллантирилиши ҳисобига умумтаълим мактабининг барқарор инновацион ривожланишини таъминловчи бошқарув киши, жамият ва давлатнинг манфаатлари йўлида замонавий таълимни ривожлантиришнинг объектив эҳтиёжи бўлиб ҳисобланади.

Бунга таълим муассасасини ривожлантиришнинг стратегик мақсади сифатида унинг инновацион типдаги муассасага айлантирилишини, тактик мақсад сифатида эса шунга мос ҳолдаги бошқарув фаолиятини танлаб олиш йўли билан эришиш мумкин. инновацион жараёнлар устидан самарали бошқарув энг аввало, муаммолари ҳал қилиш методологиясининг асосланганлиги, методологик ёндашувнинг мослиги, яъни, бошқарув фаолияти тадқиқотнинг таянч тушунчалари, тамойиллари ва методлари жамланмаси сифатида мос ҳолдаги назарий-методологик асосда қурилиши билан белгиланади.

Мактабнинг инновацион ривожланишини бошқаришни такомиллаштириш учун энг аввало, “инновация”, “инновацион жараён”, “инновацион фаолият”, “инновацион салоҳият”, “инновацион ресурслар” каби тушунчаларнинг моҳиятини англаб олиш лозим бўлади.

“Инновация” тушунчаси биринчи бор XIX асрда маданий антропология тадқиқотларида пайдо бўлди ва бунда у бир маданиятнинг иккинчи маданиятга айрим элементларнинг киритилишини англатар эди. Бундай ёндашув маданиятдаги ўзгаришларни вақт ва маконда турли хил тезликда борадиган диффузия жараёни сифатида олиб қаралар эди. Инновация



одатда “нуқсон”, берилган этнос учун “универсал” бўлган нарсаларнинг бузилиши деб қабул қилинар эди. Анъаналардан ташқарига чикувчи нарса инновация бўлиб саналади ва бундай позиция бугунги кунларда ҳам ҳалигача кенг тарқалгандир.

Инновациялар муаммосини ишлаб чиқиш борасида ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар соҳасида катта тажриба тўплангандир. Турли хил олимлар бу тушунчани ўз тадқиқотларининг объекти ва предметидан келиб чиқиб талқин қиладилар. Инновацияларни тадбиркорлик руҳи билан мотивацияланган ишлаб чиқариш омилларининг илмий-ташкилий комбинацияси сифатида талқин қилиш мумкин. Инновацияларнинг ички мантиғида иқтисодий ривожланишни динамиклаштиришнинг янги ҳолати деб қараш мумкин.

Б.Сантонинг фикрга кўра, инновация – бу шундай ижтимоий (техник-иқтисодий) жараёнки, у орқали ғоялар ва ихтиролардан амалий фойдаланиш ўз хоссалари бўйича энг яхши буюмлар, технологияларнинг яратилишига олиб келади.

Лекин вақт ўтиши билан жамият турмуш фаолиятининг барча соҳаларида инновацияларнинг сифат хусусиятларини баҳолаш муаммоси юзага келди, бу ўзгаришларни эса фақат иқтисодий назария доирасида аниқлаш мумкин бўлмай қолди. Шунинг учун инновацияларнинг тадқиқотлари бошқача ижтимоий соҳаларда, тизимларда ва институтларда ҳам амалга оширила бошланди. Хусусан, бизнинг мамлакатимизда таълим тизимидаги инновациялар муаммоси ҳақида XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб сўз юритила бошланди. Бу даврда инновация деганда анъанавий таълим тизимида киритиладиган исталган янги ғоя, янги метод ёки янги лойиҳа тушунила бошлади. Бошқачасига айтганда, дастлаб инновациялар анъаналарга қарама-қарши қўйила бошлади. “Инновациялар” ва “анъаналар” – таълим мазмуни, таълим тизими ўзгаришлари жараёнларини таҳлил қилишда дастлаб келиб чиқиладиган бинар позиция мана шундан иборат эди.

“Таълимдаги инновациялар” ва “педагогик инновациялар” тушунчалари синонимлар сифатида педагогик инноватиканинг категориал аппаратида илмий жиҳатдан асосланиб, киритилди. Лекин, А.В.Хуторскийнинг таълимдаги инновацияларни учта – ижтимоий-иқтисодий, психологик-педагогик ва ташкилий-бошқарув жиҳатларидан олиб қараш мумкинлиги ҳақидаги фикри билан келишган ҳолда, биз педагогик инновациялар бу санаб ўтилганлар ичидан фақат иккинчи жиҳатига тегишли деб ҳисоблаймиз.



Умумтаълим муассасасидаги инновацион фаолият ҳам янги методлар, методикалар, воситалар, технологиялар, ўқув дастурлари ва шу каби-ларнинг яратилишига, ҳам уларни ўзлаштириш, улардан фойдаланиш ва уларни тарқатишга йўналтирилади. Шунинг учун шартли равишда инно-вацион фаолиятнинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) таълим янгиликларини яратиш, ишлаб чиқиш ўйича фаолият (яра-тувчанлик ёки назарий);
- 2) таълим янгиликларини ўзлаштириш бўйича фаолият (прагматик);
- 3) таълим янгиликларидан фойдаланиш бўйича фаолият (амалий);
- 4) таълим янгиликларини тарқатиш бўйича фаолият (тарғиботчилик).

Инновацион фаолиятнинг ҳар бир тури инновацион жараённинг маъ-лум бир босқичи билан боғланган. Инновацион фаолиятни агар янги воситанинг ўзлаштирилиши умумтаълим муассасасини ривожлантириш вазибаларини ҳал қилишга имкон берадиган бўлса, муваффақиятли деб ҳисобланиши лозим.

Лекин инновацион фаолиятни фақат умумтаълим муассасасини риво-жлантириш бўйича фаолиятга боғланадиган бўлса, у ҳолда янгиликлар-нинг туғилиши, ишлаб чиқилиши, фойдаланилиши ва тарқатилишидаги ички таркибий қисмларни, айнан олганда эса таълим жараёнига шахсий қарашларнинг қайта ўзгартирилиши бўйича ички ишларни кўздан қочи-рамиз. Мана шундай ёндашув шуни билдирадики, исталган инновацион фаолият субъектликдир. Таълим муассасалари даражасида инновацион фа-олиятнинг субъекти бўлиб педагогик жамоа саналади. инновацион фао-лиятда кўп нарсалар унинг субъектларида у ёки бу типдаги кадриятлар, қарашлар, эътиқодлар, мотивлар ва манфаатларнинг жамланмаси мавжуд-лигига боғлиқ бўлади.

Инновациялар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, улар илмий излани-шларнинг, айрим ўқитувчилар ва бутун жамоанинг илғор педагогик та-жрибаларининг натижаси бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги вақтларга келиб кўплаб таълим амалиётлари, шу жумладан умумтаълим мактабларидаги амалиётлар ҳам шу даражада мураккаблашиб кетиб, тез-тез турли хил-даги янгиликларга дуч келинмоқдаки, янгиликларни жорий қилиш ўтган даврлардагига қараганда стихияли тарзда амалга ошмай қолмоқда, оддий-гинасига кўчириб қўя қолиш ўрнига эндиликда рациональ бошқарувни талаб қилмоқда. Мана шунга боғлиқ ҳолда XX аср охирларига келиб илм-фан ва амалиётнинг янги тармоғи – ижтимоий инновацияларни бошқа-риш юзага келди.



Бошқарув – бу барча субъектларнинг ташкилотнинг пайдо бўлиши, барқарорлашуви, оптимал амал қилиши ва албатта ривожланишини таъминловчи мақсадга қаратилган фаолиятидир. Мазкур таъриф иккита муҳим моментни қайд этади: биринчидан, исталган бошқарув мақсадга қаратилган фаолиятдир; иккинчидан, бошқарув қолган фаолият турларидан ўзининг мақсади билан фарқ қилади. Лекин бу таъриф ўзига хос фаолият сифатида бошқарувнинг мазмунидаги хусусиятларни тўла ёритиб беролмайди. Ҳозирги замон шароитларида мактабни бошқариш мураккаб жараён бўлиб, унинг таркибий қисмлари бўлиб мақсадлар ва вазифаларни танлаб олиш, ўқув-тарбиявий ишларнинг эришилган даражасини ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилиш, ўқувчилар ва педагоглар жамоалари фаолиятини ташкил этиш, ўқитиш ва тарбиялаш даражасини ошириш учун оптимал йўллари танлаб олиш кабилар ҳисобланади.

Мактабни бошқариш – бу ўқув фанларини чуқур ўрганиш, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва касбни онгли равишда танлаб олишга тайёрлаш мақсадларида ўқув-тарбиявий жараёнларда ўқитувчилар ҳамда ўқувчиларнинг вақти ва кучларидан рационал фойдаланишга йўналтирилган мактаб маъмуриятининг илмий асосланган ҳаракталаридир. Бу масалаларнинг ҳал қилиниши мактаб раҳбари ва педагогларнинг илм-фан ва илғор тажрибаларнинг энг янги ютуқлардан, жамоадаги ўзаро муносабатлардан, педагоглар ва ўқувчиларнинг инновационлигидан ижодкорона фойдалана олиш маҳоратига боғлиқ бўлади. Умумтаълим мактабида инновацияларни бошқариш – бу ижодий инновацион фаолиятга қобил бўлган таълим субъектлари шахсининг оёққа туришларига йўналтирилган муносабатлар тизимининг тузилишидир.

Айни даврда умумтаълим муассасаларининг узлуксиз инновацион ривожланишини таъминловчи шарт-шароитларни назарий англаб етишга эҳтиёж ўсиб бормоқда. Бошқарув назариясининг ҳозирги замон ҳолати ташкилот ривожланишининг ижтимоий-инновацион ресурсларига – менежментнинг инсонга йўналтирилганлигига, кишиларда ўзаро ҳаракат қилишга қобилликнинг шакллантирилишига, уларнинг саъй-ҳаракатлари самарадорлигига диққатнинг қаратилиши билан тавсифланади.

Бунда умумтаълим муассасасини ташкил этиш ва бошқариш шакллари ҳамда методларининг ўзи ўқув муассасасининг педагогик жамоасидаги айрим ходимлар ва бўлинмалар орасидаги оптимал ахборотли-ишбилармонлик ўзаро алоқаларига кўмаклашувчи ва ижодий муҳитни ҳосил қилувчи ҳамда ходимларни бошқарувнинг тўғри танаб олинган фаолияти воситасида узлуксиз такомиллашиб боришга ундовчи бошқарувнинг



рационал ташкилий тузилмасининг ижтимоий-инновацион ресурси бўлиб ўртага чиқади. Бир қатор олимларнинг фикрига кўра, бунга шахсий-йўналтирилган ёки субъектлив-йўналтирилган ёндашувлар орқали эришиш мумкин бўлиб, бунга кўра қанчалик кўп ходимлар қарорларни қабул қилишга жалб этиладиган бўлса, улар орасидаги муносабатлар ҳам шунчалик камроқ формал бўлиб қолади. Бир вақтнинг ўзида ташкилий тузилмаларнинг горизонталлик даражаси ортади.

Раҳбарнинг жамоа билан бундай тарзда ўзаро ҳаракат қилишидаги барқарор намоён бўладиган ўзаро алоқалардаги ўзига хослик бошқарувнинг ҳам объектив ва субъектив шарт-шароитлари, ҳам раҳбар шахсининг индивидуал-психологик ўзига хосликлари таъсири остида шаклланади.

#### Адабиётлар:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 29 apreldagi “O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PF-5712-sonli Farmoni.
2. Ахлидинов Р.Ш. Мактабни бошқариш санъати. –Тошкент, Фан, 2006.–304 б
3. Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Ворис, 2006. -264 б.
4. Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим муассасаларини бошқаришда менежментнинг асосий тушунчалари. - Тошкент: «Фан», 2006
5. Пўлатов Ш.П. Таълим менежменти, ёхуд таълим муассасасини илмий-методик бошқариш стратегияси. Ўқув-методик қўлланма. –Тошкент: Ёш куч, 2019. -592 б.
6. Usarov J. Using Teaching Methods for Development Student Competencies // International Journal of Progressive Sciences and Technologies. – 2019. – Т. 15. – №. 1. – С. 270-272.
7. Ibragimov X. Pedagogika nazariyasi. - Т.: Fan, 2011.
8. Inomov I. Iqtisodiy tarbiya nazariyasi.-Т.,TDIU.2009
9. Fayzullaeva N. Ta’lim menejmenti va iqtisodiyoti. -Т.: Fan va texnologiya, 2012.

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада умумтаълим мактабларида инновацион бошқарув фаолиятининг зарурати ва имкониятлари хусусида ҳамда педагогик имкониятлар тўғрисида фикр юритилиб, тавсиялар берилган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются необходимость и возможности инновационной управленческой деятельности в общеобразовательной школе, а также педагогические возможности, даются рекомендации.

#### SUMMARY

The article discusses the necessity and possibilities of innovative management activities in secondary schools, as well as pedagogical possibilities, and gives recommendations.